

# Poetic Use of Syntactical Figures in The Poetry of Azam Uktam and Minhojiddin Mirzo

Tumaris Butunbayeva,  
Teacher of UzdHA

**Annotation:** This article examines the linguistic bases used in the poetry of the famous Uzbek poets Azam Uktam and Minhojiddin Mirzo.

**Keywords:** Analogy, syntactic figures, trope, simile

Бадий нутқда, хусусан, шеъриятда ўхшатиш тасвирий воситаси ҳам муҳим аҳамият касб этадиган унсурлардан бири бўлиб, образлилик ва тасвирийликни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Ўхшатишда бирор нарса-ҳодиса орқали иккинчисининг белгиси, хусусияти аниқ ва бўрттириб тасвирланади. Ўхшатиш ҳам адабиётшуносликнинг, ҳам тилшуносликнинг объекти сифатида “...энг қадимги даврлардан бошлаб нутқ таъсирчанлигини таъминлайдиган алоҳида восита сифатида тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган.”<sup>1</sup> Ўхшатишнинг бадий тасвир воситалари таснифидаги ўрни масаласида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, аксарият илмий манбаларда у кўчим (троп)нинг бир тури сифатида талқин этилади.<sup>2</sup> Ҳотам Умуров<sup>3</sup> эса “бадий тасвир воситалари” атамасини кўчимларга нисбатан қўллайди, бу эса системавийлик тамойилига путур етказди, чунки бундай номлаш бадий тасвир воситалари таркибидаги поэтик (синтактик) фигураларни қамраб ололмайди. “Ўзбек тили стилистикаси” дарслигида ўхшатишнинг синтактик ҳодиса эканлиги эътироф этилса-да, аммо кўчимлар сирасига киритилган.<sup>4</sup>

Бироқ сўнгги пайтларда бу борадаги фикрларда ижобий томонга ўзгариш кузатилади. М.Йўлдошев дастлаб ўхшатишни кўчимлар таркибига киритган бўлса<sup>5</sup>, кейинги тадқиқотларида ушбу бадий тасвир воситасини ўхшатишли қурилма сифатида синтактик фигуралар доирасида ўрганган.<sup>6</sup> Г.Муҳаммаджонова “синтактик ҳодиса”<sup>7</sup>, дея тўғри баҳолайди ва унинг изоҳловчи-изоҳланмиш, оборотлар иштирокидаги ўхшатиш, кенгайтирилган ўхшатиш, ўхшатиш эргаш гаплар каби шакллари кузатади. Шу тариқа, ўхшатишларнинг поэтик нутқда қўлланувчи турларини таснифлашга уринади. Аммо Г.Муҳаммаджонованинг бу таснифида камчиликлар кузатилди. Таҳлил жараёнида изоҳловчи-изоҳланмиш шаклидаги ўхшатиш изоҳланса-да, ўхшатишнинг бу тури шаклий жиҳатдаги таснифга киритилмай қолган.

Тилшунос Р.Қўнғуров ўхшатишнинг структурал шакллари анча мукамал тавсифлайди.<sup>8</sup> Д.Худайберганава, Г.Жуманазаровалар эса ўхшатишни лингвомаданий бирлик сифатида тадқиқ қиладилар.<sup>9</sup>

“Ўхшатишда маъно кўчиши кузатилмайди, унда, маъно кўчишининг ўхшатиш асосидаги тури бўлмиш метафорадан фарқли ўлароқ, ўхшатилаётган нарса ҳам, ўхшаётган нарса ҳам матнда сўз

<sup>1</sup> Махмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2013. – Б. 5

<sup>2</sup> Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983; Қўнғуров Р. ва бошқ. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Т., 1992; Худайбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т., 2007.

<sup>3</sup> Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Т.: Шарқ, 2002.

<sup>4</sup> Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 99-100

<sup>5</sup> Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Т.: Маънавият, 2002. – Б. 57-67

<sup>6</sup> Йўлдошев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. – Т., 2007. – Б. 92-93

<sup>7</sup> Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири, 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 2002.

<sup>8</sup> Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 239-241

<sup>9</sup> Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол. фан. докт. ... дисс. Т.: 2017; Худайберганава Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2015.

билан ифода этилади.”<sup>10</sup> Демак, ўхшатишда ифодаланаётган коммуникатив-экспрессив маънолар сўз семантикасига асосланиб эмас, ўзаро ҳоким-тобе муносабати орқали боғланган синтактик қурилмалар орқали юзага чиқади. Юқоридаги фикрларга асосланиб, ўхшатишни троплар доирасида эмас, синтактик фигуралар таркибида ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Одатда, бадий тилда ўхшатишларнинг икки тури ажратилади: а) анъанавий ўхшатишлар; б) хусусий-муаллиф ўхшатишлари. Анъанавий ўхшатишлар қадимдан жонли сўзлашув тилида ҳам, бадий тилда ҳам қўлланиб келиб, бугунги кунда ўзининг оҳорини йўқотган, вақт ўтиши билан оддий нутқ ҳодисасига айланиб улгурган ўхшатишлардир. Масалан, *қўйдаи ювош, тулкидай айёр, тошдай қаттиқ, ойдай чиройли, сомондай сарғаймоқ* каби бирикмалар ўз эмоционаллигини йўқотган.

“Хусусий-муаллиф ўхшатишлари ёзувчининг ўз нигоҳи, кузатувчанлиги, бадий тахайюли, аналогия қуввати асосида халқ тилидан фойдаланган ҳолда яратган ўхшатишларидир. Бундай ўхшатишларда оригиналлик, образлилик ва экспрессивлик ҳамиша ёрқин ифодаланган бўлади. Ҳар қандай ўхшатишдан мақсад тасаввур қилиниши қийин бўлган тушунчаларни конкретлаштириш, мавҳум тушунчаларни аниқлаштириш, нарса-ходиса, ҳаракат-ҳолатларнинг энг нозик жиҳатларини китобхон кўзи ўнгида гўзал бўёқларда гавдалантиришдан иборат бўлмоғи лозим.”<sup>11</sup>

Ўхшатишни шакллантирувчи тўрт унсурнинг номланиши борасида Н.Маҳмудов талқинидаги вариантни энг мақбул деб ҳисоблаймиз: “...1) ўхшатиш субъекти, 2) ўхшатиш эталони, 3) ўхшатиш асоси, 4) ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи. Соф лисоний нуқтаи назардан бу тўрт унсур бир содда гап доирасида ифодаланар экан, гапнинг мазмун сиғими ортади, тил тараққиётининг умумий тенденциясига мутлақо мувофиқ равишда асимметрик тизимли гап шаклланади, яъни кичик шакл катта мазмун ифодаси учун хизмат қилади. Бу эса шеър, умуман, бадий асар поэтикаси учун ҳам алоҳида аҳамиятлидир, чунки айни ҳолат ижодкорга турли нарса-ходиса, мураккаб ҳолат ва шу кабиларнинг беҳад ихчам тавсифларини, ёрқин образларини яратиш имконини беради.”<sup>12</sup>

Ёрқин ўхшатишлар ижодкорнинг тафаккури, дунёқараши, шоирона поэтик тасаввури, хаёлот, бадий дидининг маҳсули сифатида юзага келади. Бундай ўхшатишлар шоир бадий нутқининг индивидуаллигини таъминловчи тасвирий восита сифатида бадий асарларда, хусусан, шеърятда алоҳида ўрин тутади. Замонамизнинг етук шоирлари Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърларида ҳам ўхшатишнинг ўзига хос намуналарини кузатиш мумкин.

*Бу кун кўнгилдай тиниқ, осмонлар бўлакчадир,  
Кўздаги киприк мисол, посбонлар бўлакчадир.*

Ёки:

*Йиллар ўтар югурик сувдай,  
Гулга кўмиб баҳорлар ўтар.  
Озод юртнинг илк қалдирғочи  
Бу кун Ватан сўзини битар.*

Ёки:

*Кўклам соҳир нафас мўъжизасидир,  
Ям-яшил майсалар кўнглингга ўхшар.*

*Алвон қизгалдоқлар синглингга ўхшар.* (Минҳожиддин Мирзо)

“Ўхшатиш эталони ўхшатиш конструкциянинг поэтик қимматини, эстетик салмоғини белгилайди. Ўхшатиш эталони қанчалик оригинал бўлса, ўхшатишли қурилма ҳам шу даражада оҳорли бўлади.”<sup>13</sup> *Осмоннинг кўнгилдай тиниқлиги, посбонларнинг киприкдай тизилиши, йилларнинг югурик сувдай эканлиги* нисбатан анъанавий ўхшатишлар деб белгиланса, *майсаларнинг кўнгилга, қизгалдоқнинг синглига ўхшатилиши* шоир танлаган хусусий эталонлардир. Бунда *майса*даги “*юмошқ*”, “*майин*” семалари, *қизгалдоқ* сўзи семантик майдонидаги “*нафис*”, “*ҳимояга муҳтож*” семалари юзага чиқиб, экспрессивликни таъминлайди.

<sup>10</sup> Қурононов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 382.

<sup>11</sup> Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент, 2006. – Б. 46.

<sup>12</sup> Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 93-94.

<sup>13</sup> Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент, 2006. – Б. 92-93.

Минҳожиддин Мирзо ижодига мансуб шеърӣй парчаларда -дай қўшимчаси, мисол кўмакчаси, ўшар сўзи ўхшатиш воситаси вазифасини бажарган бўлса, "...ўхшатиш грамматик воситаларсиз амалга ошган ҳоллар ҳам тез-тез кузатилади."<sup>14</sup>

**Тандир – ювош дуогўй кампир.  
Тераклар саф тортган йигитлар,  
Маккажўхорилар бир майдон аёл –  
Йўргакланган бола қучоқлаб,  
Шукр намозига сафланган.**

Тандирнинг дуогўй кампирга ўхшатилиши шоирнинг индивидуал, оҳорли ўхшатиши бўлиб, ушбу тасвирий воситанинг юқорида санаб ўтилган унсурлардан бири – ўхшатиш воситаси тушириб қолдирилган бўлса-да, мазмунга путур етмайди. Қишлоқ тасвиридаги тераклар, маккажўхориларга нисбатан қўлланган эталонлар миллий рух, миллий колорит қабарик шаклларда намоён бўлиши ва шеърнинг эмоционал-экспрессив таъсирчанлиги қуюқ бўёқларда юзага чиқишини таъминлаган. Узок вақт ёдда сақланиб қоладиган образлилик китобхон ҳиссиётларини уйғотади.

**Ялтоқлик бобида устаси фаранг,  
Доим тиз чўқар у аста пойгакка.  
Бир кунда минг бора эгилиб турар,  
Дарс бера олади, ҳатто чойнакка. ()**

Минҳожиддин Мирзонинг ушбу тўртлигидаги лаганбардор, ўзига манфаати бор бўлганлар олдида эгилиб-букилиб, ялтоқланувчи кимсалар пиёлага эгиладиган чойнакка ўхшатиляпти. Бунда ўхшатиш воситаси вазифасини одатдаги -дек, -дай қўшимчалари ёки "гўё", "худди", "каби", "янглиғ", "сингари" каби кўмакчилар эмас, балки "дарс бера олади, ҳатто чойнакка" жумласи ўтамоқда ва шу тариқа тасвир оригиналликка эришилган. Ушбу ҳолатни **контекстуал ўхшатиш** деб баҳолаш мумкин.

Авалло, алоҳида қайд этиш лозимки, Аъзам Ўктам шеърлари мазмунига ўзининг покиза руҳи, соф туйғулари, миллат дарди ва эзгу орзу-мақсадларини ноёб ташбеҳлар воситасида маҳорат билан сингдирган шоирдир. Унинг шеърлари бадий санъатнинг ўта юксак талабларига тўлиқ жавоб беради, десак асло хато қилмаган бўламыз. Шоирнинг шеърларида қўлланган ташбеҳлар санъат нуқтаи назаридан юқори туришини, китобхонни ҳайратлантира олиш кучига эгалигини алоҳида эътироф этиб ўтиш ўринлидир.

Аъзам Ўктам шеърӣй асарларида ўхшатишнинг барча узвлари иштирок этган, яъни тўлиқ ўхшатишлар муайян миқдорда мавжуд бўлиб, улар шоирнинг бадий-эстетик қарашлари, эзгулик, яхшилик каби ғояларини ифодалашда муҳим тасвирий восита бўлиб хизмат қилган. Шеърятда ўхшатишнинг аҳамияти жуда катта эканлигини яхши англаган шоир таъсирли, мазмунли, ноёб ва эстетик жиҳатдан қимматли бадий асар яратиш, ўз фикрларини ўқувчига тушунарли, аниқ, очиқ етказиш, жонли, чиройли, идрок этиш ҳамда эслаб қолиш осон поэтик образлар яратиш учун ташбеҳлардан кенг фойдаланган. Бунга мисол сифатида қуйидаги шеърӣй парчани келтирибўтамиз:

**Қуш потраган мисоли  
Нотинч юрак тўлғона.**

Ушбу мисралар шоирнинг номланмаган шеърдан бўлиб, у ишқий мавзуда ёзилган. Шоир ошиқ юрагини қушга қиёслайди. Шеърда кўпроқ сўзлашув тилида қўлланиладиган *потраган* сўзи (изоҳ сифатида айтиш мумкинки, бу сўз сўзлашув тилида *потирламоқ*, *патирламоқ* шаклларда ҳам қўлланилади) кўчма, яъни *безовта бўлмоқ*, *шошилиб қолмоқ* маънода ифодаланган. Шоир айтмоқчи, ишқ ўти тушган ошиқ қалби қуш мисоли безовта бўлиб, муҳаббатнинг қайноқ оловидан одатдаги ороми, тинчи бузилган, ҳаяжон ва изтиробга тушган, ҳаловати йўқолган, шундан ошиқ алам-изтироб ва безовталиқдан ўзини у ён-бу ёнга ташлаб тўлғонади. Шоир ошиқнинг ҳолатини ёрқин, аниқ ва таъсирли ифодалаш мақсадида жамият кишиларининг барчаси бирдек биладиган ҳамда ҳар доим сезгир, зийрак ва айни пайтда безовта бўлган қушга қиёслайди. Шеърда *юрак* ўхшаган, *қуш* ўхшатишнинг барча узвлари воқеланган. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, шоир шеърларида қушлар

<sup>14</sup> Қуронон Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 382.

образига алоҳида ўрин ажратган, уларни айрича меҳр билан ифодаланган. Унинг “Ўхшашлик” шеърдаги қуйидаги парча фикримизни далиллаш учун асос бўлади деб ўйлаймиз:

*Ариқдан сув ичиб турган ул қушлар —  
Оғиз чайқаётган муслимга ўхшар.*

Шоир шеърларида чиройли ташбеҳлар, ёрқин образлар орқали кишиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш етакчи ўринни эгаллайди. Мазкур шеърда ариқдан сув ичиб турган қушлар оғиз чайқаётган муслимга қиёсланган. Маълумки, шеърда қўлланган *муслим* сўзи арабий бўлиб, *муслмон динидаги киши* деган луғавий маънони ифодалайди. Шеърда *қушлар ўхшаган, муслим ўхшатиш* қайдидир. Демак, мазкур шеърда парчада ўхшатишнинг ўхшаган, ўхшатиш қайди узлари воқеланган. Ўхшаш белгиси, яъни қушларга хос хусусият аниқ кўрсатилмаган. Бундайтузилмавий ўхшатишларни тўлиқсиз ўхшатишлар гуруҳига киритиш мумкин. Тўлиқсиз ўхшатишларда ўхшатиш белги лексик бирликлар билан ифодаланмайди<sup>15</sup>. Мазкур қурилмали ўхшатишлар ўхшаган, ўхшатиш ва ўхшатиш қайди тарзида шаклланади.

Аъзам Ўктам шеърда асарларида бу каби тўлиқсиз ўхшатишлар миқдори анча кўп бўлиб, шоир улардан кенг фойдаланган. Қуйида шунга доир мисолни келтириб ўтаемиз:

*Бешиқни ёдимга туширди тобут,  
Гўёки милтиқдир осиглиқ танбур.*

Шеърда парчада қўлланган *танбур* – ўхшаган, *милтиқ* – ўхшатиш, *гўёки* – ўхшатиш қайдидир. Англашиладики, шеърда парчада ўхшатиш белгиси ифодаланмаган. Мазкур типдаги ўхшатишларга яна *Тушунчалар ичра гарқ ўлдим, фақат, Оловга ўхшайди барибир Қуёш*<sup>16</sup>; *Кун бўйи ит сингарикезмай, Алдамасдан халқни, ўзимни*<sup>17</sup> кабиларни мисол сифатида қайд этиш мумкин.

Аъзам Ўктам шеърда асарларидаги ўхшатишларнинг структурал-композицион таҳлили жараёнида яна бир турдаги ўхшатишлар борлиги кўзга ташланди. Бундай қурилмали ўхшатишларда фақатгина ўхшаган ва ўхшатиш узлари воқеланади, холос. Англашиладики, бу каби ўхшатишларда ўхшатиш қайди ҳамда ўхшатиш белгисини ифодаловчи узлар бўлмайди. Ўхшатишнинг мазкур турига оид мисолни қуйида келтириб ўтаемиз:

*Бахтсизлик — ёв. Ғанимнинг бироқ  
Кўз олдинда тургани маъқул... (Аъзам Ўктам)*

Ушбу шеърда парча шоирнинг “Жавоб” шеърдан бўлиб, унда бахтсизлик ҳолати ёвга ўхшатиш қайди билан мазкур ўхшатишда ўхшатиш қайди ва ўхшаш белгиси қўлланилмаган. Мазкур типдаги ўхшатишларга яна

*Зиёрат қилганим – кўкка боқганим,  
Юлдузлар – қабридир нолаларимнинг (Аъзам Ўктам)*

*Кўнгиш пошшо бу дам, мен унга мирзо, Севмак, севмак эрурфармонларимиз*<sup>18</sup>; *Тандир — ювош дуоғуйкамтир, Тераклар саф тортган йигитлар*<sup>19</sup> кабиларни мисол сифатида айтиб ўтиш мумкин. Таҳлиллар натижасига кўра айтиш мумкинки, шоир асарларида тўлиқсиз ўхшатишларнинг икки тури мавжуд. Биринчи турида ўхшаган, ўхшатиш ва ўхшатиш воситаси иштирок этади. Шоир мазкур турдаги ўхшатишларни воқелантириш учун *каби, мисоли, ўхшаш, ўхшайди бамисоли, бамисли, - дек, сингари, гўё, гўёки* каби ўхшатиш қайдларидан кенг фойдаланган.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, шоир шеърда асарларида тўлиқсиз ўхшатишларнинг иккинчи тури, яъни ўхшаган ва ўхшатиш қурилмали ўхшатишлар муҳим ўринга эга. Улар шоир поэтик асарларида алоҳида тизим сифатида шаклланган. Бундай турдаги ўхшатишлар таъсирчанлиги, бадиий- эстетик завқ уйғотишига кўра ташбеҳ бадиий санъати тизимида, Абдурауф Фитрат айтганидек, “энгкучли”сиди<sup>20</sup>

<sup>15</sup> Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. –Тошкент: Фан, 1976. – Б. 134.

<sup>16</sup> Аъзам Ўктам. Тарадуд. – Тошкент.: Чўлпон, 1993. – Б. 29

<sup>17</sup> Аъзам Ўктам. Тарадуд. – Тошкент.: Чўлпон, 1993. – Б. 31

<sup>18</sup> Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор. – Тошкент.: Қатортол-Камолот, 1999.- Б.28.

<sup>19</sup> Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор. – Тошкент.: Қатортол-Камолот, 1999.- Б.43

<sup>20</sup>Фитрат. Адабиёт коидалари. Танланган асарлар. V жилдлик. -Тошкент: Маънавият, 2006. -IV жилд. –Б. 51.